



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШДАГИ ВАКОЛАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бегназаров Темурбек Тулқин ўғли
ИИВ Академияси 310 гурӯҳ курсанти

Мустақиллик йилларида Ички ишлар органлари хизматининг роли анча ўсди, бу соҳадаги қонунчилик такомиллашиб, ҳалқаро талабларга жавоб берса оладиган даражага чиқди, самарали Ички ишлар органлари хизмати фаолияти учун зарур ҳуқуқий база яратилди. Ички ишлар органлари назоратини олиб бориш ҳамда расмийлаштирувини амалга ошириш такомиллаштирилди, профилактика инспекторларининг маъмурй мажбурлов чораларини амалга оширишнинг янги технологияларини жорий қилиш, уларни ўз вақтида ва тўғри бажарилишини таъминлаш, уларнинг сифат кўрсаткичларни ўсишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эга бўлган кунидан буён жамиятимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида улкан ўзгаришлар, ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш борасида ҳам улкан ўзгаришлар, ислоҳотлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёев тақидлаганидек “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳукуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шартшароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимиридир”¹ деб бежизга айтмаганлар.

Профилактика инспекторининг маъмурй мажбурловни олиб борища Ички ишлар органлари қонунчилигига риоя этилишини таъминловчи энг муҳим механизм ҳисобланади. Мамлакатимиз ички фаолиятини тартибга солиш ва маҳалланининг осойишталигини сақлашда профилактика инспекторлари назоратининг аҳамияти бекиёсdir. Ички ишлар органлари назоратини амалга ошириш механизмини ривожлантириш уни такомиллаштириш ижобий кўрсаткичларга эришишга ёрдам беради, яъни маъмурй соҳасидаги ҳукуқбузарликларни олдини олиш уларни камайтириш, ички тартиб ҳамда ахоли осойишталигини таъминлаш учун қулай муҳит яратишга хизмат қиласи.

¹ Қаранг.Ш.М.Мирзиёевнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Таракқиёт стратегияси тўғрисидаги 2022 йил 28 январь кунидаги 60-сон фармони



Шундай қилиб Ички ишлар органлари соҳасидаги қонунчиликни имкон кадар соддалаштириш зарур. Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, мазкур соҳани тартибга соловчи қонунчилик хужжатлари аниқ эмас ҳамда уларда баъзан бир-бiriни инкор этадиган ҳолатлар ҳам учраб туради. Хўш, бу масалани қандай ҳал қилиш мумкин? Аввало хорижий тажрибани ўрганиш лозим, чунки қўплаб хориж давлатларида полиция соҳасига оид қонун ҳужжатлари аниқ ва бир тизимга солинганини кўриш мумкин. Бу эса ташқи ҳамда ички фаолият ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини лозим даражада ҳимоя этишга ёрдам беради. Ҳозирги кунда дунё бўйлаб ишлаб чиқаришни кенгайиши билан бир қаторда жиноятлар ҳам кундан кунга кўпайиб бораётгани, хўжалик алоқаларининг диверсификатсиялашуви ва трансмиллий ташкилотлар сонининг ортаётгани ҳамда халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бораётгани жаҳон бўйлаб ҳуқуқбузарлик фаолиятининг шиддатли равишда ўсишига сабаб бўлмоқда. Бу каби ҳолатларни олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўллари улар қайси давлатда бўлишларидан қатъи назар, кундан кунга такомиллашмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуий бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, орган сиёсатини ривожлантириш учун ташқи ва ички фолиятини либераллаштириш билан бир қаторда, ташқи жараёнлари ташқи хамкорлик оператсияларини амалга ошириш тартиботларини соддалаштириш ҳамда ҳуқуқий ва бюрократик тўсиқларни йўқ қилиш ва, шу билан бирга, ташқи фаолиятда давлат назоратини кучайтириш зарур. Бу орқали халқаро хамкорлик оператсияларини амалга ошириш ва халқаро битимларини тузиш ва амалга ошириш жараёнларини стандартлаштиришга эришиш мумкин.

Хозирги кунда қўплаб давлатларда қонунчилик амалиётини қайта кўриб чиқиши жараёни жадаллик билан амалга оширилмоқда. Бу эса қонунчиликни ривожлантиришни талаб этади.

Қонунчиликни ривожлантириш учун эса қўйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

1. Кўплаб маъмурий ҳужжатларни ягона ҳужжатга жамлаш;
2. Полиция расмийлаштируванин тўла равишда автоматлаштириш, компютеризатсиялаш;
3. Маълумотларни ишлашда “бир дарча” тамойилини жорий этиш;

Юқорида келтириб ўтилган “бир дарча” тамойили полиция расмийлаштируванин тизимлаштирилган усули бўлиб, зарур бўлган маълумотларнинг барчаси ташқи фаолият иштирокчилари томонидан фақат битта жойга битта орган ёки агентликка тақдим этилишини билдиради. Бундай тизим полиция расмийлаштирувани ҳамда бир қанча жараёнлар билан боғлиқ бўлган харажатларни ва ортиқча вақтни тежашга ёрдам беради.

Белгиланган янги тартиб-қоидалар давлат органларида ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнларини тубдан соддалаштиришга қаратилган комплекс чоралар кўришни, тегишли ташкилотлар ва мансабдор шахслар зиммасига ушбу жараёнларда полицияни органини ҳар томонлама қўллабқувватлаш позитсиясидан туриб иштирок этиш маъсулиятини юклайди.

Кўп сонли тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мазкур тизимни амалиётга жорий қилиш вақтни тежашга ҳамда харажатларни қисқартиришга ёрдам беради.